



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 07.01.2022 г. № 24/2

между "Урганч нефт база" сн МЧЖ и Янгиарик туман МТБ (Марказлашган) на общую сумму 2952506,75

Глава _____ 251
Казначейский лицевой счёт _____ 100022860332337091100251018 (в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4252500			
Январь	944 802,16			944 802,16
Февраль	944 802,16			944 802,16
Март	1 062 902,43			1 062 902,43
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	2 952 506,75			2 952 506,75


Всего 2952506,75 сум Два миллиона девятьсот пятьдесят две тысячи пятьсот шесть сум
75 тийин сумма прописью


Из вышеуказанной суммы 944 802,16 сум или 100 % *** от общей суммы договора подлежат предоплате в Январь мес. 2022 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;
(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;
(***) — Месячный 100 % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до 29 числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика
М.П.
Главный бухгалтер заказчика




(подпись) _____ Д.Болтаев
Ф.И.О.


(подпись) _____ У.Кутлимуродов
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _____
(подпись)

Получил работник заказчика _____
(подпись)

« » _____ 20 ____ г.

« » _____ 20 ____ г.

НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ҲАҚИДА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ШАРТНОМА

Хонка тумани

№ 24/2

2022 йил 4 январь

Янгиарик туман Мактабгача таълим бўлими кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи номидан устав асосида фаолият юритувчи раҳбари Х.Джуманиязов бир тарафдан ва иккинчи тарафдан «Урганч нефт базаси» масъулияти чекланган жамияти Хонка филиали кейинги ўринларда «Етказиб берувчи» деб юритилувчи номидан ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Ж.Отабаев ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га шартноманинг бўлинмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 апрелдаги «Нефт-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ 4664-сонли қарорининг 8-банди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2020 йил 4 майдаги 27-сонли йиғилиш баёнига асосан ва «Ўзбекнефтегаз»АЖнинг 2020 йил 6 майдаги 01-10-1/43-сонли видеоселектр йиғилиш баёнига асосан бюджет ташкилотларига ўтган ҳафтадаги биржа савдоларининг ўртача биржа нархларида дизел ёнилгиси ЭКО бир тоннаси 11810027 сўм баҳоларда 0,25 тоннани белгиланган муддатларда етказиб бериш мажбуриятини олади. «Истеъмолчи» ушбу махсулотларни қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Шартнома умумий баҳоси 2952506,75 сўмни ташкил этади.

II. ЎЗАРО ХИСОБ – КИТОБЛАР ТАРТИБИ

- 2.1. «Етказиб берувчи» ва «Истеъмолчи» ўртасида ўзаро ҳисоб – китоб негизида ушбу шартнома тузади. Ҳисоб – китоблар тўлов топшириқномаси асосида амалга ошади.
- 2.2. «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб – рақамига махсулот баҳосининг 100 фоизи миқдорида маблағни олдиндан ўтказгандан кейин нефт махсулот етказиб берилади.

III. МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 3.1. «Етказиб берувчи» нефт махсулотларини сифати ГОСТ, ТУ стандарти талабларига жавоб бериши ва товар транспорт юк хужжатларида акс эттирилиши лозим.

IV. ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

- 4.1. Нефт махсулотларини «Истеъмолчи»га етказиб бериш, «Етказиб берувчи» ҳисоб – рақамига пул маблағлари келиб тушгандан кейин график асосида «Етказиб берувчи»нинг махсус автотранспорт воситаларида амалга оширилади ва хизмат ҳақи суммаси товар транспорт юк хати хужжатларида ёзилади ва «Истеъмолчи» томонидан тўланиши шарт.
- 4.2. Нефт махсулотларини сифати ва миқдори юзасидан бир – бирига ўтиш ҳуқуқи «Истеъмолчи» томонидан уларни қабул қилиб олинаётган жараёнида ҳал қилинади.
- 4.3. Нефт махсулотларини топшириш, қабул қилиш «Истеъмолчи» томонидан комиссиявий тартибда ва топшириш ишончномаси ҳайдовчи экспедитор иштирокида амалга оширилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Нефт махсулотлари нарҳини тўлашдан бош тортгани учун «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га махсулот нарҳини 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
- 5.2. Агар «Етказиб берувчи» томонидан махсулот етказиб бериш муддати чузиб юборилса ёки белгилангандан кам миқдорда етказиб берилса «Истеъмолчи»га мажбуриятнинг бажарилмаган қисмини ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун 0,5 фоизи миқдорида пеня тулайди. Лекин тўланадиган пенянинг умумий миқдори етказиб берилмаган нефт махсулотлари қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 5.3. Агар ушбу шартномада томонларнинг жавобгарлиги белгиланмаган бўлса, у ҳолда жавобгарлик даражаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳамда «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 5.4. Томонлар ҳамда уларнинг вакиллари мазкур шартнома бўйича уз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни тақдир қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул туламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки уз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кузлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қийматликлар ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул қуймаслик бўйича чоралар қурилишига кафолат беради.

VI. ФОРС – МОЖОР ХОЛАТЛАРИ

- 6.1. Тарафларга боғлиқ бўлмаган фавқулотдаги ҳолатлар (сув тошқини, ёнгин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлса, оқибатда шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса тарафлар жавобгарликдан озод этиладилар.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 7.1. Мазкур шартномага киритилган ҳар қандай қўшимча ва ўзгаришлар ҳар икки тараф томонидан ёзма равишда амалга оширилган ва имзоланган бўлсагина ҳақиқий ҳисобланади.
- 7.2. Мустақил равишда ўзаро келишув орқали ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.
- 7.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусxada тузилади.
- 7.4. Шартноманинг етказиб бериш ва амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр гача.


VIII. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ

«Етказиб берувчи»

«Истеъмолчи»

«Урганч нефт базаси» МЧЖ Хонка филиали
Хонка тумани Широқ куча 17 уй.
х/р 22604000704268518701
МФО – 00432, ИНН – 204589421
Тош. шах. «Узсаноатқурилишбанк»
АТБ Яшнобод филиали
Тел (362) 39–91308

Ж. Отабаев



Джуманиязов Х.Д.
Хонка тумани Широқ куча 17 уй.
х/р 22604000704268518701
МФО – 00432, ИНН – 204589421
Тош. шах. «Узсаноатқурилишбанк»
АТБ Яшнобод филиали
Тел (362) 39–91308

Д. Болтаев



Ушбу шартнома лойиҳасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 437, 456-моддалари «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига мувофиқ тайёрланган. Тарафларнинг жавобгарлик меъёрлари ва низоларни ҳал қилиш тартиби қонун хужжатлари талабларига мос келади.

Ҳуқуқшунос:

А. Атажанов

А. Атажанов

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY KULOSA
№_FJ61520081_**

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi: Yangiariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi va "Urganch neft bazasi" mas'uliyati cheklangan jamiyati Xonqa filiali o'rtasida Neft mahsulotlari etkazib berish haqida to'g'ridan-to'g'ri shartnoma.

Loyihada "Urganch neft bazasi" mas'uliyati cheklangan jamiyati Xonqa filiali Yangiariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limiga byudjet tashkilotlariga o'tgan xaftadagi birja savdolarining o'rtacha birja narxidan kelib chiqib 100 foiz oldindan to'lov hisobiga 0,25 tonna dizel yonilg'isini 2952506,75 so'mga etkazib berishi hamda shartnomaning amalqilish muddati 1.12.2022 yil qilib belgilangan.

3. Loyiha va ishlab chiquvchisi va kiritilgan haqida ma'lumot: Loyiha Yangiariq tuman maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 2022-yil 6 yanvarda ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlari talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

Markaz boshlig'i
2022-yil 8 yanvar



U.Navruzov